


Бир тамғанинг икки томони

1нчи томон:»Яхши» ҳаёт

Бундестаг



Конгресс



ГосДума РФ(ва бошқ давл.Парламент/и)



Млрд \$,£,€,¥,руб.инвестиция,
Қурол яроғ ва урушлар учун



Сиёсатчилар



Сиёсатчилар



Млн инвестиция сайловлар учун
(ўз одамлари у/н)



Депутатликка номз./
(Пок ва нопок инсонлар)

Млн инвестиция лоббистлар у/н



Лоббистлар

Ҳарбий Саноат комплекси ва Ҳарбий кучлар
(Давл.корх., турли акционерлик, ёпиқ корх/)



Асосий сайловчилар.Кўпчилиги ўта содда

Кичик сайловчилар гуруҳи

Асосий эътиборини бойликка ва фойда кўришга қаратганлар

ҚУРДЛ ИНДУСТРИЯСИ БОЗОРАИ

Бойликка ўч сиёсатчилар ва Ҳарбий Саноатнинг яқин ҳамкорлигидан чиққан
МАҲСУЛОТ ва НАТИЖАЛАР.
Сиз бу бозорга қанча пул ётқизаяпсиз?

Бу айримлар учун бир БОЗОР холос

Аmmo бошқалар учун бу ё фожеали ҳаёт, ё ўлим



НИМАЛАР БЎЛМОҚДА БУ КЕНГ ЖАҲОНДА ВА НИМАЛАР ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Биз, оддий фуқаролар, турли туман сиёсатчилар, лоббистлар ва ҳарбий саноат вакиллари бирлашмаларининг ўзаро ҳўфиёна равишда олиб бораётган фаолиятларининг жуда осон ўлжалари ва қурбонларига айланиб бормоқдамиз. Улар ўзаро ҳамкорликда, давлатнинг бойликлари ва бизларнинг пулларимизга турли туман энг замонавий қуроллар ишлаб чиқиш кераклигини бизга уқтиришади. Кейин эса ишлаб чиқилган миллионлаб қуролларни ё кимгадир сотишга ёки уларни кимларгадир қарши ишлатиш ҳақида уйлай бошлашади. Чунки ҳар қандай ишлаб чиқарилган маҳсулот кимгадир сотилиши ва қандайдир фойда келтириши керак деб фикрлашади улар. АГАР ДУНЁДА ТИНЧЛИК ҲУҚМРОН БЎЛИБ ТУРСА ҚУРОЛ ЯРОҒ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ВА УЛАРНИНГ ҲАМТОВОҚЛАРИ БЎЛМИШ СИЁСАТЧИЛАРНИНГ БОЗОРЛАРИ КАСОД БЎЛАДИ! Ана шунинг учун ҳам улар Мудофаа вазирликларини Хужум қилиш вазирликларига, Миллий Хавфсизлик хизматларини эса Миллий Хавф яратиш Хизматларига айлантирдилар.. Ана шундан кейин уларнинг бозорларига яна харидорлар - савдогарлар, қотиллар, турли туман зўравонлар ва урушқоқ давлатларнинг сиёсатчилари оқиб кела бошлайдилар.

Биз эса ўз уйларимизда чойимизни ичиб хотиржам ўтираверамиз, токи ўзимиз ана ўша бизнинг пулларимизга яралган қуроллар билан қуролланган ва куч ишлатиш йўли билан яшашни ўзига ҳунар қилиб олган зўравонлар бизнинг эшигимиздан бостириб кирмагунча, токи биз яратилишига ҳисса қўшган ўқлар, бомбалар, миналар ва снарядларнинг айримлари ўз бошимиз узра жарангламагунча. Бундай зўравонлар тоифасига нафақат ўзга давлатларнинг қуроли кучлари ёки кўчадаги оддий бандитлар балки ана шу қуролларни яратилишига ҳисса қўшган оддий одаамларнинг ўзлари ҳам кирадилар. Бизнинг бундай зўравонликларга муносабатимизнинг кучи зўравонлик бўлаётган жойгача бўлган масофага тўппа тўғри пропорционалдир:

- Биз қачонки фожеа бизнинг ўзимиз ёки бизнинг яқинларимизга тегишли бўлсагина қаттиқроқ ОВОЗ БЕРАМИЗ;
- Биз фожеалар ўзга қитъалар ва узоқ юртлардаги ўзга фуқароларга тегишли бўлса умуман ОВОЗ БЕРМАЙМИЗ;
- Биз қачонки бизнинг яқинларимиз ўзга юртларда ҳокимият буйруғига биноан урушларда қатнашаётган бўлсаларгина ТАШВИШГА ТУШАМИЗ.
- Биз аскарларимиз ўз ва ўзга юртларда нималар билан машғул эканликлари билан ҚИЗИҚМАЙМИЗ, УЙЛАМАЙМИЗ, ТАШВИШЛАНМАЙМИЗ.
- Биз Ватанни, ўз уйимизни ва яқинларимизни ҳимоя қилиш кераклигини ТУШУНАМИЗ;
- Аммо биз ўзга халқлар ҳам худди биз каби уйлашлари, улар ҳам ўз Ватанлари, ўз уйлари ва ўз яқинларини худди биз каби ҳимоя қилишни исташларини ТУШУНМАЙМИЗ;
- Биз ўзга юртларнинг фуқаролари ўз уйлари, Ватанлари ва яқинларини ҳимоя қила туриб бизга ҳужум қилишларига қарши, бизнинг аскарларимизни ўлдираётганига қарши КЕСКИН НОРОЗИЛИК БИЛДИРАМИЗ;
- Аммо биз аскарларимиз ўзга халқларнинг ҳимоясиз болалари, аёллари ва қарияларини ўлдираётганларида НОРОЗИЛИК БИЛДИРМАЙМИЗ;
- Биз давлатни бошқариш, Ватан ҳимояси учун кучли Армия тузиш ва кучли қуроллар яратиш қийинлигини ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛАМИЗ;
- Аммо биз ана ўша замонавий қуролларимиз, яхши тайёргарликдан ўтган аскарларимиз сиёсатчилар ва давлат раҳбарлари томонидан уларнинг ҳўфиёна ва айрим гуруҳларнинг манфаатлари ва амбициялари учун, гуёки қандайдир хавф хатарларни олдини олиш учун ишга солиниши ва шу йўллар билан бизнинг ҳукуратимиз биринчи бўлиб зўравонликлар қилиши ва уруш оловини ёқаётган бўлишларини ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛМАЙМИЗ
- Биз тўсатдан ёпирилиб келган оғир иқтисодий инқирознинг кучли тўлқинларидан ҲАЙРАТГА ТУШАМИЗ аммо миллиардлаб доллар, евро, фунт стерлинг, рубл, юан ва бошқа пуллар урушга, турли туман замонавий қуроллар яратишга ва улар кимлардир томонидан уйлаб топилган «душманларга» қаратилгани ва кўпинча илк қурбонлар ҳимоясиз болалар, аёллар ва қариялар қурбон бўлишлари мумкинлиги ҳақида УМУМАН УЙЛАМАЙМИЗ;

- Аммо биз давлатнинг ҳазинаси очофат Ҳарбий Саноатнинг тўймас жиғилдони учун, Хужум Вазирлиги ва Миллий Хавф Хизматига сарфланаётган улкан маблағлардан ва улар уйлаб топаётган «душманлар»дан **ҲАЙРАТГА ТУШМАЙМИЗ**.

Аммо ортиқча бундай ҳолат давом этиши мумкин эмас! Биз бу ЁПИҚ ВА ЁВУЗ ХАЛҚАНИНГ айланма ҳаракатини тўхтатишимиз керак. Бу Халқа узок вақтлардан бери бизнинг эътиборсизлигимиз, лоббистларнинг ашаддий ҳаракатлари ва айрим давлат раҳбарлари ва мунофиқ сиёсатчилар тузган **БИРЛАШМА- ЗЎРАВОНЛИКЛАР, ЗИДДИЯТЛАР ВАУРУШЛАР** тарафдори ва яратувчиларининг саъйи ҳаракатлари сабабли тинмай айланиб ётибди.

Токи биз бу ЁВУЗ ХАЛҚА ҳаракатини тўхтатмас эканмиз Ер юзида хотиржам ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

Ҳазраткул Худойберди, 2011-09-26, <http://ihrsu.org>